Ушбу сонда:

2 ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

3 *Ҳуқуқий маслаҳатхона* МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

4 *Турмуш чорраҳаларида* ПУШАЙМОНЛИК – ЮРАКНИ ЎРТАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 22 май, сешанба №78 (1092)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИККИ ТУМАН МАРРАДА

Жиззах вилоятининг бир йўла икки тумани - Пахтакор ва Дўстлик туманлари пиллакорлари давлатга пилла сотиш шартнома-режасини адо этишди.

Пахтакорликлар ҳар қути ипак қурти уруғидан ўртача 50 килограммдан, жами 32 тонна ҳосил топширган бўлса, ҳар қути ипак қурти уруғидан 61 килограммдан ҳосил кўтарган дўстликликлар 40 тоннадан зиёд пилла етиштиришди.

Ҳар икки туман пиллакорлари имкониятларини чамалаб кўриб, яна 4 тоннадан ҳосил топширишга аҳд қилди.

(ЎзА).

ЁШ АСКАРЛАР ҚАСАМЁДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар Бош бошқармаси Тошкент гарнизони харбий бўлинмалари ёш аскарларининг харбий қасамёдига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ёш аскарлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирар эканлар, халқимизга, Президентимизга содиқ бўлишга ҳамда мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, харбий низомларни, командирлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, харбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга тантанали равишда қасамёд қилдилар.

Харбий қасамёд - жангчи учун маънавий ва жанговар қонундир. Харбий қасамёд жангчининг она Ватанга бўлган муқаддас меҳру муҳаббати ифодасидир. У жангчидан интизомли бўлишни талаб этади. Зеро, интизом Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятининг негизи, қўшинларнинг жанговар шароитда муваффақиятли ҳаракатларининг асосий шарти ҳисобланади.

Маросимда сўзга чиққан Қуролли Кучлар вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар ёш аскарларни ҳаётидаги энг унутилмас кун - харбий қасамёд қабул қилгани билан чин қалбдан табрикладилар, уларга жанговар шайлик ва ҳушёрликни ошириш билан бирга, харбий интизомни янада мустаҳкамлайдилар, Ватанимиз ҳимояси учун ҳар қачонгидан сергак турадилар, деб ишонч билдирдилар.

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

1998 йили Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган Тошкент божхона коллежи мамлакатимизда ана шу соҳа хизматини ривожлантиришда, уни жаҳон талаблари даражасида таълим олган етук кадрлар билан таъминлаш борасидаги муҳим қадам бўлди.

УНУТИЛМАС КУН

Бу ерда талабаларга Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган махсус ўқув дастурлари асосида билим берилаётир.

Куни кеча коллежни илк бор битирувчилар маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси, генерал-майор Ўткир Комилов уларга «Божхона хизмати лейтенанти» дипломини топширар экан, ёш божхоначилар ўз зиммасига юклатилган масъулиятли вазифани шараф билан бажаради, деб ишонч билдирди.

Элбек ХОЛИҚОВ, (ЎзА).

Фармон ва ижро

«ХАЛҚ - ҚАҲРАМОН, ХАЛҚ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ДОИМО БОШ ЭГАМИЗ...»

Истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, ноҳақ унутилган тарихий сиймолар хотирасини эъзозлаш, азиз-авлиёларимизнинг қадамжоларини мўътабар зиёратгоҳларга айлантириш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг 1 майида эълон қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Президент Фармони ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида бу борада олиб борилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давомидир. Бутун жамоатчилигимиз томонидан қизғин кутиб олинган ушбу Фармонда, жумладан шундай дейилади: «Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди».

Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига тайёргарлик кўриш комиссияси мазкур Фармонда кўзда тутилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш, зиёратгоҳни сайёҳлик йўналишига киритиш, мажмуа ҳудудини янада ободонлаштириш, бу ерда махсус радиолаштириш тизимини жорий қилиш билан боғлиқ ишларни бошлаб юборди.

Яқинда Президент ҳузурида ушбу комиссия амалга ошираётган ишлар муҳокама этилди. Йиғилишда халқимизнинг азалий анъаналарига мос бўлган бу тадбирнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти, маъно-мазмуни ва маърифий-мафкуравий йўналиши ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

- Аввало, шуни айтиш лозимки, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, биз «қатағон қурбонлари» деган иборани қандайдир тор маънода тушунамиз. Бу ибора кўп ҳолларда 30-йилларнинг иккинчи ярмида репрессия қилинган ижодкор зиёлиларга, айтайлик, Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир сингари бир қатор адабиёт ва саньат намояндаларига нисбатан қўлланилади. Бунинг замирида тарихий ҳақиқат мавжуд, албатта. Бу улуғ зотлар ўз даврида ноҳақ қатағон этилган, уларнинг қанчадан-қанча орзу-ниятлари ушалмай қолган. Бу сиймоларнинг фожеали қисмати, сабот ва матонати, унутилмас хотираси халқимиз қалбида доимо сақланади, уларнинг ёди чексиз армон билан эсга олинади. Лекин, мен «қатағон қурбонлари» деган тушунча аслида кенгроқ ва теранроқ мазмунга эга, деб ўйлайман.

Қатағон дегани мустамлакачилик ва истибдод даврида, шўро замонида жуда чуқур ўйланган ҳолда бутун халқимизга, миллатимизга қарши олиб борилган, инсонийликка ёт, зулм ва зўравонлик, тазйиқ ва қўрқитиш сиёсатининг негизини ташкил этади. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Масалан, чор қўшинлари Тошкентни забт этиш пайтида қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни қириб ташлаган, оналар ва болаларнинг кўз ёшлари дарё бўлиб оққан. Ёки бўлмаса, 1916 йили Жиззах қўзғалони шафқатсиз равишда бостирилгач, беаёв қатағон этилган аждодларимизни бир эсланг. Бундай инсонлар чоризм қамоқхоналарию Сибир сургунларида номнишонсиз йўқ қилиб юборилган.

Худди шунингдек, истибдод даврида содир бўлган юзлаб норозилик ғалаёнларининг қонга ботирилганини эслаш мумкин.

Шўро тузуми даврида ҳам шафқатсиз қирғин-қатағонлар муттасил давом этган, колхозлаштириш баҳонасида неча минг меҳнаткаш, омилкор деҳқонлар қулоқ сифатида сургун қилинган, тазйиқ ва таъқибларга гирифтор этилган. Албатта, бугун биз ўша даврдаги машъум қатағон оқибатида қурбон бўлган маърифатпарвар зиёлиларнинг номларини кўпроқ биламиз. Уларнинг хотирасини тиклаш, иззат-ҳурматини жойжойига қўйиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Қатағон қурбони бўлган ўнлаб зиёлиларнинг илмий ва адабий асарлари чоп этилиб, мутахассислар томонидан кенг ўрганилмоқда, уларнинг номлари абадийлаштирилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ташкил топиши билан боғлиқ тарихий адолат тикланиши ҳам шу йўлдаги катта ишлардан биридир.

Бу фидойи инсонларнинг хотирасини эъзозлаш билан боғлиқ эзгу ишларимиз бундан буён ҳам изчил давом этади, деди Президент. Лекин мени кўпроқ бошқа бир масала ўйлантиради: мустабид сиёсат минг-минглаб оддий одамларни, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларни ҳам асоссиз равишда қатағон қилган эди-ку! Қатағон туфайли уй-жойидан, оиласидан, ота-онасидан, фарзандларидан айрилган, боши кулфатдан чиқмай номнишонсиз кетган қанчадан-қанча қурбонлар бўлганини ҳам унутмаслик зарур.

Биз, ҳамиша ҳам номи тилга олинавермайдиган, бу ёруғ оламдан бир дунё армон билан ўтиб кетган ана шу оддий одамлар хотираси олдида ҳам қарздормиз. Эҳтимол, уларнинг барчасини бирма-бир эслаш, номларини тиклаш қийиндир, аммо хотирасини ёд этиш, эслаш жоиз, албатта.

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи эл-юрт озодлиги ва эркинлиги йўлида ўз жонини фидо этган сиймолар билан бирга мустабид тузум даврида қабоҳат туфайли умри хазон бўлган, ноҳақ зулмга учраган оддий инсонлар, бир сўз билан айтганда, қатағон қурбони бўлган барча ватандошларимиз хотирасини ўзида мужассам этади.

Бундан бир йил муқаддам мазкур зиёратгоҳнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Юртбошимиз шундай деган эди: «Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриёдлари олдида, Яратганимиз олдида ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз».

Куни кеча эълон қилинган Фармонга мувофиқ бундан буён ҳар йили 31 август куни мана шу зиёратгоҳда қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ўтказилиши белгилаб қўйилди.

(Давоми 3 бетда).

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида иқтидорли талабалар билан алоҳида режа асосида иш олиб борилмоқда. Бу борада университетнинг USIS, ACCELS, TASIS, TEMPUS, Тинчлик корпуси, Очиқ жамият институти каби халқаро ташкилотлар ҳамда мамлакатимиздаги турли давлатларнинг элчихона ва ваколатхоналари билан ҳамкорлиги айниқса қўл келмоқда.

Сўнгги тўрт йил мобайнида инглиз филологияси ва таржимонлик факультетларининг энг яхши талабалари тест асосида танлаб олиниб, менежмент, маркетинг ва бизнес бўйича йиллик курсларга жалб этилди. Ҳозиргача бундай курсларни 200 дан ортиқ талаба битириб, инглиз тили мутахассиси дипломига қўшимча

ИБРАТЛИ ТАЖРИБА

юқоридаги фанлар бўйича сертификат ҳам олди. Улар ҳозир турли халқаро ташкилотларда фаолият кўрсатмоқда. Мазкур курсларни битирган яна 27 нафар талабага куни кеча Темурийлар тарихи Давлат музейида тантанали равишда ана шундай сертификатлар топширилди.

- Талабаларимиз маркетинг, менежмент, бизнес бўйича замонавий билимларни хорижга бормасдан ўз Ватанида, ўзи ўқиётган олий ўқув юртида эгалламоқда,- дейди университет ректори Жамолиддин Бўронов. - Халқаро стандартларга мос дастурлар асосида илм олаётган мутахассисларни тайёрлаш бозор иқтисодиёти тобора қарор топиб бораётган мамлакатимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Динора ДЎЛТАЕВА, (ЎзА).

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йилига бағишланган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Унда тумандаги олий, ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ҳамда мактаб ўқувчилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида истиқлолимиз ҳамда оналар ва болаларни мадҳ этувчи саҳна кўринишлари, шеър ва қўшиқлар янгради.

«Олимпиада умидлари — 2001» спорт мусобақалари кундалиги

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛА

Айни кунларда пойтахтимизнинг бир нечта спорт мажмуаларида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Олимпиада умидлари — 2001» мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Таъкидлаш жоизки, беллашувлар ҳал қилувчи боскичга кирди. Кўпгина спорт турлари бўйича ярим финал ва финал боскичи иштирокчилари деярли аниқлаб бўлинди.

Хусусан, 242-мактабнинг замонавий спорт залларида бўлиб ўтаётган волейбол баҳсларининг кечаги қизлар ўртасидаги беллашувларида Фарғона, Хоразм, Самарқанд вилоятлари вакиллари ҳамда Тошкент шаҳри жамоаси рақибларини бир хил — 3:0 ҳисобида мағлуб этдилар. Сурхондарёлик ҳамда навоийлик волейболчи қизлар ўртасидаги учрашув 1:3 ҳисобида якунланган бўлса, бухороликлар Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчи ёшларини мағлуб этдилар — билан енгдилар — ҳисоб: 3:2. Ўсмирлар ўртасидаги беллашувлар эса қуйидагича кўриниш олди: Самарқанд - Сирдарё - 0:3, Наманган - Қашқадарё - 3:0, Андижон - Тошкент шаҳри - 0:3, Фарғона - Навоий - 0:3, Қорақалпоғистон Республикаси - Хоразм - 0:3, Сурхондарё - Жиззах - 0:3.

Бугун мазкур баҳсларнинг ярим финал беллашувлари, эртага эса финал учрашувлари ўтказилади.

Йилдан-йилга тобора оммавийлашиб, миллионларнинг севимли спорт турига айланиб бораётган стол тенниси мусобақалари бўйича ёш спортчилар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда кураш олиб боришмоқда. Куни кеча биринчи гуруҳдан жой олган Тошкент ҳамда Бухоро вилоятлари жамоалари ўртасидаги учрашувда 5:4, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти теннисчилари баҳсида эса 5:3 ҳисоби қайд этилди. Шунингдек, қолган гуруҳларда Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳри жамоалари ҳам яхши қатнашмоқдалар.

Очиғи, бошқа мусобақаларга нисбатан «Чилонзор» ҳамда Армия спорт клуби ўйингоҳларида ўтказилаётган футбол ўйинлари қизиқарли, муросасиз баҳсларга бой бўлаётганлиги билан ажралиб турибди. Жумладан, 20 май куни 1-4 ўринлар учун Наманган, Бухоро, Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ёш футболчилари баҳс олиб бордилар. Агар наманганликлар бухоролик тенгдошларини 1:0 ҳисобида мағлуб этган бўлсалар, пойтахтлик футболчилар Андижон вилояти жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғолиб келдилар. Футбол беллашувларининг ғолиб ва совриндорлари эртага маълум бўлади.

«Олимпиада умидлари — 2001» спорт мусобақалари давом этмоқда.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.
И.ҲАСАНОВ олган сурат.

Бор бўл, оқибат!

АННА ФАДЕЕВА: ШУ ГЎЗАЛ ЮРТДА ФАҚАТ ЯХШИЛИК КЎРДИМ

«Озодлик» қишлоқ фуқаролар йиғини Оҳангарон туманида ҳудуди катталиги жиҳатидан ҳам, аҳолиси кўплиги билан ҳам олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирги кунда бу ерда 9 та қишлоқ, 12 та маҳаллада 10 мингдан ортиқ турли миллат кишилари ҳамкору ҳамжиҳат бўлиб яшамоқдалар. Баланд тоғлар бағрида жойлашган қишлоқларнинг табиати сўлим ва мафтункор. Тошдан-тошга урилиб шарқираб оқаётган жилғалар, ўсимликлар олами сизни бир қарашдаёқ ўзига маҳлиё этади. Одамлар деҳқончилик, чорвачиликни ривожлантириш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Аҳолининг бир қисми эса саноат корхоналарида ишлашади.

Фуқаролар йиғини ҳудудида Навоий номли давлат хўжалиги, «Эйвалек темирбетон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, автобус-такси саройи, боғча ва мактаблар жойлашган. Кўпчиликнинг бошини қовуштириш, осуда ҳаётни таъминлаш борасида маҳалла фаоллари изчил фаолият кўрсатиб келишмоқда. Фуқаролар йиғини раиси Абдулқосим Душановни барча оға дея эъзозлайди. Бу тиниб-тинчимас инсон барча тадбирлар, тўю маъракаларга бош-қош. Бирон оилага ёрдам зарур бўлса, у фаоллар билан ўша заҳотиёқ ҳозиру нозир бўлади. Айни пайтда барчалари огоҳу ҳушёр бўлиб, келди-кетдини қатъий назоратга олишган. Бирон кимсанинг ножўя хатти-ҳаракати сезилса ёки хонадонлардан бирида нотинчлик юзага келса, фаоллар ҳаракатга тушадилар. Ёшларга панд-насиҳат қилиб, уларни Ватанга садоқатли, фидойи инсонлар бўлиб етишишлари учун қайғурадилар.

«Озодлик» қишлоғида ўзбек, қозоқ, қирғиз, рус, татар, тожик, немис, корейс ва бошқа миллат ва элат кишилари бир оила аъзоларидек умргузарлик қилишмоқда. Уларнинг деярли барчаси ўзбек тилини сув қилиб юборишган. Қадрдонлар бир-бирларидан қиз олиб, қиз бериб, қуда-қудағай бўлиб кетишган. Тўйлар ғоят файзли ўтади. Тантаналарда турли миллат халқларининг куй ва қўшиқлари янграйди.

— Дўстлик қудратли куч, - дейди Абдулқосим ака. - Қаерда ҳамжиҳатлик, меҳру оқибат кучли бўлса, одамлар бахтли яшайди, ҳаёт осуда кечади. Ҳеч қандай куч бахтли кунларимизга раҳна сололмайди. Яқинда хўжаликка меҳнати сингган уруш фахрийсининг ёлғиз фарзандини уйлантирдик. Михаил Ли хонадонида бўлган киши тўкин дастурхон атрофига йиғилган турли миллатга мансуб кишиларнинг бир-бирлари билан қадрдонлигини кўриб, ҳавас қилди. Татар фарзанди ўзбек мумтоз қўшиғини ижро этганида қарсаклар янгради.

Фуқаролар йиғини боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз кишиларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатмоқда. Бундай кишилардан 21 нафари доимий эътиборда. Кам таъминланган 16 оилага ойма-ой моддий кўмак берилмоқда.

— Эсимни танибманки, Ўзбекистоннинг шу гўзал гўшасида яшаяпман, - дейди Эйвалек қўрғончасида истиқомат қилувчи Анна Фадеева. - Айниқса, ўзбеклар бағрикенг, меҳмондўст, борларини қўни-қўшнидан аямайдиган халқдир. Ҳаётимда улардан жуда кўп яхшиликлар кўрдим. Яширимайман, қийналган кезларимда яхшилар ҳолимдан хабар олиб, кўнглимни кўтаришди. Ҳозирда мактабнинг юқори синф ўқувчилари ёлғизлигимни билдиришмаяпти. Улар ўз фарзандларимдек бўлиб кетишган. Умр бўйи улардан миннатдорман.

— Бир оғиз ширин сўз инсонга далда бўлади, унинг кўнглини тоғдек кўтаради, - фикрини ифодалайди «Қирғизовул» маҳалласининг кекса онахони Соғида Холидова. - Қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллар ҳамиша ҳолимиздан хабар олишади. Ҳар биримиз ҳукуматимиз, хусусан, Президентимизнинг меҳрибончилигини дилдан ҳис қилиб яшаяпмиз. Кексалари эъзозда бўлган юрт ҳамиша гуллаб-яшнагай.

Б.МУРОДОВ, «Ишонч» мухбири.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилганди

«Ҳисобот йилида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобидан 193 минг янги иш ўрни яратилди, бу 1999 йилга нисбатан бир ярим баробар кўп демакдир. Янги иш ўринларининг 99 фоизи қишлоқ жойларида ташкил этилгани эътиборга сазовордир» дейилади Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ КРЕДИТЛАШ

Хоразмда янги иш ўринларини яратиш имконини берди

Мамлакатимизда бундай хайрли ишларни амалга оширишда Акционерлик-тижорат «Пахтабанк»нинг ҳам ҳиссаси бор. Бунга ушбу ташкилотнинг Хоразм вилоят бошқармасида бўлганимизда ишонч ҳосил қилдик. Масалан, шу йилнинг биринчи чорагида Вазирлар Маҳкамасининг тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорини ҳаётга татбиқ этишда бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, тадбиркорларга 317,1 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Шундан 120,9 миллион сўмини микрокредитлар ташкил қилади. Натижада вилоят бўйича 1268 та янги иш ўринлари очилди. Айни чоғда бюджетдан ташқари маблағларни кичик ва ўрта тадбиркорликни кредитлашга жалб қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бандлик жамғармасидан 76,9 миллион, Бизнес фонддан 36,5 миллион сўмлик маблағ жалб қилиниб, кредит сифатида йўналтирилди. Банк томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлаш фонди ташкил этилиб, унинг миқдори шу кунгача 49 миллион сўмга етди. Шундан 34,5 миллион сўми ишбилармонларга кредит сифатида ажратилди.

— 1999 йил охирида бошқарманинг Хива туман бўлимидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун уч миллион сўм имтиёзли кредит олган эдим, - дейди фермер Рустам Отаниёзов. — Олинган қарз эвазига 9 та янги ишчи ўрнини яратишни мўлжаллаган эдим. Ҳақиқатда эса 27 нафар киши иш билан таъминланди. Натижада ўтган йили олинган соф фойда қарийб бир миллионга етди. Жорий йилда эса олинадиган фойдани икки ҳиссага кўпайтириш ниятидамиз.

— Менга ҳам ўша йили 14 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 4 йил муддатга 2,5 миллион сўм кредит ажратилди, - дея суҳбатга қўшилди Шовот туманидаги «Янги ҳаёт» фермер хўжалиги раиси Мансур Жумабоев. — Бунинг натижасида бултур 11 миллион сўмликдан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Энг муҳими 10 нафар киши иш билан таъминланди.

Бошқарма ходимлари тадбиркорларни кредитлаш билан бир қаторда бошқа вазифаларни ҳам ўз вақтида бажариб келишмоқда. Кейинги пайтларда аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш ишлари жонлантирилди. Оқибатда бу борадаги режа 106 фоизга бажарилиб, 305 миллион сўмлик пул жалб қилинди.

Бўлимлар томонидан ўтган биринчи чорак давомида дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш бўйича бир мунча ишлар қилинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил октябр ойидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 147 миллион сўмлик қарзларни сўндириш занжирлари тузилди. Бу юмушнинг амалга оширилиши натижасида 384,4 миллион сўмлик иқтисодий самарага эришилди.

Пул айланмасини ташкил этиш, миллий валютани мустаҳкамлаш ва барқарорлаштириш, нақд пул эмиссиясини қисқартириш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан биридир. Буни ўз вақтида тушунган банк мутахассислари бир қанча тадбирларни амалга оширишди. Мисол учун ўтган йил мобайнида хўжалик юритувчи субъектларнинг касса интизомига риоя қилиш бўйича ўтказилган текширувларнинг 4 тасида 15 миллион сўмлик қонунбузарликлар аниқланди. Жумладан, 14 миллион 623 минг сўмлик банк кассасидан олинган маблағлар мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланди. Далолатномалар чора кўриш учун назорат органларига юборилиб, 3 та ҳолат бўйича 122,5 минг сўмлик жарималар айбдорлардан ундириб олинди. Ана шу ва бошқа тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида бошқарма бўйича касса режаси 1 апрел ҳолатига 111,5 фоизга адо этилди. Эмиссия ҳиссаси белгиланган меъёрдан анча паст бўлишига эришилди.

Айни чоғда банкда чет эл инвестициясини жалб қилиш бўйича 3 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Шулардан бири Қўшкўпир тумани М.Раҳимов номли ширкат хўжалигининг «Сардор» шўъба корхонасидир. Агарда ушбу лойиҳа амалга оширилса, корхонада кунига 2 тонна сутни қайта ишлаш имкони туғилади. Италиянинг «Фудмаш» фирмаси билан тузилган шартномага асосан 6 миллион 141 минг Италия лираси корхона валюта ҳисоб рақамига келиб тушди. Шунингдек, Шовот тумани «Соҳибкор» ширкат хўжалигида мева линиясини ўрнатиш ва «Урганчсут» ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил қилинган «Урганчмузқаймоқ» корхонасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун чет эл сармоясини жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Конституцияси-мустаҳкам таянч

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси республикамизда яшовчи ҳар бир фуқарога халқаро ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган барча ҳуқуқ ва эркинликлар берилишини кафолатлайди. Унга кўра кишилар сўз ва матбуот эркинлиги, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, билим олиш каби кўплаб ҳуқуқларга эгадирлар. Булар дахлсиз бўлиб, улардан фуқароларни суднинг қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

ЎЗ ИШИГА ТИКЛАНДИ, ОЙЛИК МАОШ УНДИРИЛДИ

Ҳар бир шахс ўз ҳақ-ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилишга, ваколатли давлат органларига, муассасаларга, халқ вакилларига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Конституциянинг 59-моддасида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи энг оммавий жамоат ташкилоти сифатида касаба уюшмалари эътироф этилган. Бу масъулиятли вазифа аксарият ўринларда муваффақиятли ҳал этилмоқда. Вилоятимизда 503 мингдан ортиқ касаба уюшма аъзоси бўлиб, улар 4 мингга яқин бошланғич ташкилотга бирлашган. Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг меҳнат-ҳуқуқ нозирлиги меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялашда изчиллик, қатъиятлик кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Ҳар бир ариза, шикоятни вақтида қонуний ҳал этишга киришилган. Биз хат ортида инсон тақдири ётганлигини бир сония бўлса-да унутаётганимиз йўқ. Адолатни юзага чиқариш учун баъзида ойлаб курашишга тўғри келади. Тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда амалга оширилган саъй-ҳаракат туфайли «Наманган почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Тўрақўрғон туман бўлими ходими А.Абдураззоқов, «Чорсу» деҳқон бозори ишчиси А.Носиров, Чортоқ туманидаги «Наманган кабел» заводи ишчиси Д.Камолова, Учқўрғондаги Улуғбек номли хўжалик аъзоси О.Охунов ва бошқалар ўз ишларига тикландилар.

Ҳаёт ва кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг раҳбару мутахассислари бозор шароитида ишлашга ўзларини тайёрлай олмаганлар. Уларда ҳуқуқий саводхонлик, билим ва ташкилотчилик етишмаётир. Шу боис, айрим жамоаларда иш орқага кетди, иқтисодий танглик юзага келди. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам иш берувчи ишловчини ойлик маош билан таъминлаши даркор. Буни била туриб кимлардир ўта муҳим масалага масъулиятсизлик билан ёндошмоқда. Шундай кезларда касаба уюшмалари меҳнаткашларга ёрдам қўлини чўзмоқда. Муайян вақт ичида Наманган шаҳар «А-Я» хусусий фирмаси ишчиси Қ.Қозоқбоев, Чуст туманидаги 6-кўчма механизациялашган жамланма аъзолари А.Раҳимназаров, Т.Абдуллаев, Наманган мол-ашё биржаси ходими Г.Аҳмаджонова, вилоят тез тиббий ёрдам илмий маркази ходими Н.Дадабоеваларга ўз вақтида тўланмаган иш ҳақлари ундириб берилди. Ёки Попдаги 2-кўчма механизациялашган жамланмада меҳнат жароҳати олган Ш.Мамадалиев, Тошбулоқдаги «Тола» ҳиссадорлик корхонасида ишлаб чиқаришда жароҳатланган М.Қаҳҳоровларга тўланмаган товон пуллари қайтарилди. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини чеклаган, инсон омилига эътиборни сусайтириб юборган раҳбарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Таъкидлаш жоиз, айрим раҳбару мутахассислар «мен раҳбарман, меники тўғри» қабилида иш юритиб, касаба уюшмаларининг қонуний талабларини бажаришни пайсалга солмоқдалар. Айрим ўринларда ўжарлик қилишгача бориб етмоқдалар. Шу ўринда бир мисол. Учқўрғон туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги аъзоси О.Охунов ишдан ноҳақ бўшатилган. Мутахассисларимиз меҳнатчининг Ўзбекистон Конституциясида қонун йўли билан мустаҳкамлаб берилган ҳақ-ҳуқуқини тиклаш учун қатъий ҳаракат қилдилар. У ноҳақ ишдан бўшатилганлиги асослаб берилди. Таассуфки, О.Охуновни ўз вазифасига тиклаш тўғрисидаги тақдимнома хўжалик мутасаддилари томонидан инобатга олинмади. Охироқибат иш судга бориб тақалди. Шундан сўнг адолат қарор топди. Ҳозирги кунда Ойбек Охунов қадрдон жамоасида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Конституциямизда меҳнаткашлар ҳуқуқларини тиклаш масаласида касаба уюшма ташкилотларига, нозирларга бевосита даъвогар сифатида судга мурожаат этиш ҳуқуқи берилган. Биз касаба уюшма етакчиларининг ўқувларини ўтказиб, бу ҳақда кенг тушунтириш бериб бормоқдамиз. Ўтган йили бешта, жорий йилда эса тўртта ариза юзасидан судга мурожаат этишга мажбур бўлдик. Талабимиз суд томонидан тўла қаноатлантирилди. Буларнинг ҳаммаси меҳнатчиларнинг энг оммавий жамоат ташкилотига бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Биз бундан буён ҳам барча ерда қонун устуворлигини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилаверамиз.

Ғофуржон КАРИМОВ,
Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг бўлим мудири, бош меҳнат ҳуқуқ нозири.

ХОРИЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Республикамизда ботаника фани бўйича барча илмий соҳаларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтириш, олимларнинг илмий салоҳияти ва ишланмаларини бевосита ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Ушбу йўналишда фаолият юритувчи илмий муассаса, ботаника боғлари ва турли вилоятлардаги тажриба далалари, ишлаб чиқариш экспериментал базалари бирлашма таркибига киритилди.

Сўнгги йилларда республикамиз ботаниклари хорижий мамлакатлар билан илмий алоқаларни тобора мустаҳкамламоқдалар. Жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия ва исроиллик олимлар билан ҳамкорликда ўсимлик оламининг ўзига хос жиҳатлари, экологик ва генетик хусусиятлари ҳамда уларнинг табиий заҳираларини аниқлаш юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Яқинда Буюк Британиянинг Кью шаҳридаги ботаника боғи олимлари билан биргаликда пиёздошлар туркумига мансуб ўсимлик турларининг изоҳли маълумотномаси яратилди.

(ЎзА).

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Ўлкамизда пишиқчилик. Жаннатмакон юртимизнинг боғ ва далаларида етиштирилган ширин-шарбат неъматлар эл дастурхонини безамоқда. Шу кунларда Тошкент бозорларини айлансангиз, бир-биридан тотли, сифатли маҳсулотларни кўриб, дилдан қувонасиз.

БОЗОР — турмушимиз ойнаси

«Тошбозортайёрловсавдо» тизимида жами 68 та бозор фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Ҳамза туманидаги «Авиасозлар» ҳиссадорлик жамиятининг алоҳида ўрни бор. Бу ерда сотувчи ва харидор учун барча қулайликлар яратилмоқда. Бозор моддий базасини кенгайтириш, унинг ички ва ташқи кўринишини гўзал шаҳримизнинг архитектура ансамблига мос равишда қуриш режаси изчил амалга оширилмоқда. Савдо маданиятини яхшилаш алоҳида эътиборда. Илғор тажрибалар асосида давлат ғазнасига кундалик пул тушумларининг ўз вақтида тушишини таъминлашга оид аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Савдо расталарида доимий равишда нисбатан арзон, сифатли, турли хил истеъмол неъматлари, саноат маҳсулотлари, уй-рўзғор буюмлари бўлиши учун курашилмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти молиявий кўрсаткичларини тобора яхшилаб боряпти. Жумладан, номинал қиймати минг сўм бўлган акцияларнинг ҳар бирига 6012 сўмдан девидент тўланди. Бу энг яхши кўрсаткичлардан биридир. Малакали, ташкилотчи, виждонан ишлайдиган кадрларнинг жалб этилиши, ижро интизомининг мустаҳкамланиши шарофати ила давлат ғазнасига кундалик пул тушумининг сезиларли даражада кўпайишига эришилди. Маъмурият деҳқон, фермер, ширкат, жамоа хўжаликлари билан яқиндан алоқа ўрнатган. Тош-тарозу, автоуловлар, ноз-неъмат бунёдкорлари учун маданий-маиший хизмат кўрсатиш борасида муаммолар йўқ. Санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, озодаликка риоя этиш доимий диққат марказида.

Ҳозирги кунда сотувчи ва истеъмолчи манфаати ҳисобга олиниб, замонавий лойиҳа бўйича қишлоқ хўжалиги, чорва маҳсулотлари билан савдо қилувчи учта павильон бунёд этилмоқда. 1200 ўринли умумий майдони 5625 квадрат метрли савдо шоҳобчаси фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси шуки, янги қурилишлар учун бозор маъмурияти «Уйжойжамғармабанк»нинг Мирзо Улуғбек тумани меҳнат бўлимидан кредит олганди. Ишни намунали ташкил этиш, савдо тармоқларини кенгайтириш ҳисобига олинган кредит икки йилда тўлиқ қайтарилди. Ободонлаштириш, янги-янги павильонлар қуриш қизғин бормоқда. «Авиасозлар» бозори маъмурияти энди четдан қарз олмай, бу хайрли ишларни ниҳоясига етказмоқда.

Эътиборли томони шундаки, бу ерда «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимида биринчи бўлиб пул тушумлари назоратини компьютер орқали бошқариш дастурини ишлаб чиқишга киришилди. Ҳар бири 500 сотувчига мўлжалланган замонавий касса аппаратлари билан таъминланган пунктлар назорат бошқарув пульти билан боғланган. Компьютерлар пул тушумларини назорат қилиб боради. Бу ишни бир маромда, қатъий тартиб асосида амалга ошириш имконини беради.

Маъмурият, касаба уюшма қўмитаси савобли ишлардан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, «Бирлашган» маҳалласидаги кам таъминланган, кўп болали оилаларга, меҳрибонлик уйига 400 минг сўм, туман Қизил ярим ой жамиятига 70 минг, ногирон аёллар ва болалар шаҳар жамиятига 150 минг сўм миқдорида маблағ ўтказилди. «Янгиобод» маҳалласидаги 227-ўрта мактабни таъмирлаш учун 1 миллион сўм миқдорида мадад пули кўчирилди. Жамият касаба уюшма қўмитаси раиси А.Азизовнинг таъкидлашича, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масалаларига бу йил алоҳида эътибор берилади.

М.НУРИДДИНОВ.

Қоракўл туманида шошилинч тез тиббий ёрдам маркази фойдаланишга топширилди. Уни бунёд этиш, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш учун 25 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Янги шифо масканида беморлар учун барча қулайликлар яратилган.

Суратларда: тез тиббий ёрдам маркази; ҳамшира Нилуфар Авезова.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЭКОФЕСТИВАЛ МАРОҚЛИ ЎТДИ

Фарғонада мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб «Экофестивал-2001» тадбири бўлиб ўтди.

Фестивал Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «Она ва бола» дастурини ҳаётга татбиқ этиш, атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш ғояларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилди.

Фарғона стадионида бўлиб ўтган тадбирда 10 мингдан зиёд киши иштирок этди. Қизиқарли концерт дастури намойиш этилди. Фестивал доирасида, шунингдек, халқ ҳунармандлиги маҳсулотлари кўргазмаси уюштирилди. Тадбирдан тушган маблағ вилоятда «Она ва бола» дастурини амалга ошириш, чекка ҳудудларда оналар ва болалар соғлигини тиклаш, муҳофаза қилиш, экологик муҳит мусаффолигини яхшилаш борасидаги ишларга сарфланади.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Сиз азиз муштарийларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш орқали муаммоларингизни ҳал этишда асқотадиган тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш олдимизга қўйган вазифалардан биридир. «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукни ташкил қилиниши муносабати билан таҳририятимизга келаётган мактублар сони янада кўпайди. Шу боис ҳам, хатларнинг мазмун-моҳиятига қараб, уларга тўлақонли жавоб бериш мақсадида меҳнат таътили тўғрисидаги масалани кенгроқ ёритиб беришни лозим топиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Бош ҳуқуқий нозири Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВга мурожаат этдик.

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ❶

— Меҳнат таътили деганда ходимга иш ўрни ва иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътил даври тушунилади. Меҳнат таътилини турига қараб асосан уч қисмга бўлиш мумкин. Яъни, асосий таътил, узайтирилган йиллик таътил ва қўшимча таътил.

Асосий таътил Меҳнат кодексининг 134-моддасига биноан 15 иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас.

Узайтирилган йиллик таътил ходимлар ёши, соғлиғи ва меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари ҳамда бошқа ҳолларни эътиборга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланади. Меҳнат кодексининг 135-моддасида 18 ёшга тўлмаган шахсларга ҳамда ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига 30 календар кунида узайтирилган меҳнат таътили белгиланган бўлса, бошқа қонун ҳужжатларида, жумладан, халқ ноиблари учун 36 кун, ўқитувчилар учун эса 48 кундан иборат меҳнат таътили белгиланган ва ҳоказо.

Йиллик қўшимча таътил эса меҳнат шароити ноқулай ва алоҳида жиҳатга эга бўлган, оғир ва ноқулай иқлим шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ёки бевосита меҳнат шартномасида кўрсатилган ҳолларда берилади. Жумладан: Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддатини ва улар учун қўшимча меҳнат таътилининг энг камини 12 иш кунидан иборат қилиб белгилаб берилган. Булар жумласига рангли ва ноёб металлар рудасини, шунингдек, олмос хом ашёсини ва плавик сифатини бойитиш, необит (локарит) рудасидан ташқари ишларда банд бўлган рентген аппаратига хизмат кўрсатувчи лаборант-рентген тузувчи ва ҳоказолар киради.

Шунингдек, бундай қўшимча таътил корхоналарда иш жойларини шаҳодатлаш йўли билан ёки меҳнат шартномасининг, яъни иш берувчи билан ходимнинг келишувига биноан белгиланиши ҳам мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, асосий йиллик таътил билан қўшимча таътилни жамлаганда унинг умумий давомийлиги 48 иш кунидан ошиб кетмаслиги керак. Бундан ташқари, қўшимча таътил нафақат юқорида айтиб ўтилган асослар учун, балки бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг локал ҳужжатларида ёки иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга биноан ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, шу корхонада (шу тизимда) узлуксиз меҳнат стажига эга бўлганлар учун қўшимча таътил қўшиб беришни шулар жумласига киритса бўлади.

Энди таътил муддатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, ходим беш ёки олти кунлик иш ҳафтасида ишлашидан қатъий назар, таътилнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календар бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Таътил даврига тўғри келиб қолган якшанба ҳамда иш кунига кирмайдиган байрам кунлари ҳисобга киритилмайди. Масалан дейлик, таътил 2000 йил августдан берилди. Бунда 1 сентябр (чунки бу байрам куни) 3-10-17 ва 24 сентябр кунлари таътил муддатига қўшилмайди. Чунки булар умумий дам олиш кунларидир. Бу мисолимизда биз 24 иш кунидан иборат бўлган меҳнат таътилини кўриб чиқдик.

Меҳнат кодексининг 142-моддасига биноан йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қуйидагилар киради: иш йили давомида ҳақиқатда ишланган вақт; ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланган вақт, масалан судларда халқ маслаҳатчиси бўлиб ўтказган ёки малакасини ошириш учун ўқишда ўтказган даврлар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллар бундан мустасно;

меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида қилинган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тиклинган бўлса ёки худди шундай вазиятда ўзининг розилиги билан шу корхонада бошқа ишга қўйилган бўлса ҳам;

- тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга локал ҳужжатлари, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа даврлар;

- жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида, меҳнат шартномасида хусусан, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш назарда тутилиши мумкин.

Агар эътибор берган бўлсангиз, Меҳнат кодексининг 143-моддасига биноан йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлагандан кейин берилади. Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: Амалиётда кўпинча олти ой ишлагандан кейин таътил берилаётганда унинг давомийлиги, яъни кунлари олти ойга мутаносиб равишда берилар экан. Бу усул нотўғри. Меҳнат қонунчилигида меҳнат таътилини иш стажига мутаносиб ҳисоблаб бериш мумкинлиги фақат айрим ҳолатлардагина қуйидагича белгиланган. Яъни, агар ходим меҳнат таътилидан фойдаланмаган бўлса ва меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса (меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосларидан қатъи назар) бу ҳолатда таътил пулини ҳисоблаб чиқиш учун керак бўлган давр иш стажига мутаносиб равишда олинади. Демак, биринчи иш йилида 5 ой ёки 14 ой (меҳнат таътилидан фойдаланмасдан ишлаган бўлса) ва меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса энди унга таътил даври ишлаган ойларига мутаносиб ҳисоблаб чиқилади. Аниқроғи, белгиланган таътил даври 24 иш кунидан иборат бўлса, биз юқорида келтирган ишланган ойлар учун тегишинча 10, 28 кун таътил белгиланади. Хўш, нега энди 10 кун дерсиз? Чунки биз юқорида умумий таътилни 24 иш кунидан иборат деб олдик. Бу эса, ҳар бир иш ойи учун икки иш кунидан иборат (24:12=2) меҳнат таътили деган гап (12 рақами бу йилнинг календар ойлари).

Агар меҳнат таътили 24 кун эмас, 18 кундан иборат бўлса, бу ҳолда ҳар бир ишлаган ой учун энди икки кун эмас, балки 1,5 иш кунидан иборат таътил белгиланади. (18:12=1,5). Демак, 5 ой ишлаганда 5x1,5=8 кун, 14 ой ишлаган бўлса 14x1,5=21 кун таътил берилади. Ўриндошлик асосида ишлаётганларга меҳнат таътилини асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб ҳақ олиш ҳуқуқига эгадир.

Яна бир нарса, айрим тоифадаги ходимларга уларнинг илтимосига биноан биринчи иш йилида ишлаётганига 6 ой тўлмасдан ҳам меҳнат таътили берилади. Уларнинг тоифаси эса Меҳнат кодексининг 143-моддасида аниқ санаб ўтилган бўлиб, улар қуйидагилар:

- аёлларга — ҳомиладорлик ёки туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;

- I ва II гуруҳ ногиронларига;

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

- муддатли ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;

- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳонлар, синовлар топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;

- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилаётган ходимларга;

- мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Уйчи тумани халқ таълими бўлими касаба уюшма қўмитаси раиси Обидахон Исмоилова моҳир ташкилотчи, сўз устаси сифатида ҳам танилган. У ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда фаол иштирок этмоқда. Яқинда маҳаллаларда ўтказилган савол-жавобларда туманда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, галдаги долзарб вазифалар ҳақида алоҳида гап борди.

Суратда: касабақўм раиси О.Исмоилова ёшлар билан мулоқот чоғида.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

«ХАЛҚ - ҚАҲРАМОН, ХАЛҚ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ДОИМО БОШ ЭГАМИЗ...»

(Боши 1- бетда).

- Бу маросимда, дея таъкидлади Президентимиз, моҳият-эътибори билан истибдод зулмини ўз бошидан кечирган халқимиз тақдири, унинг тортган азоб-уқубатлари, кулфат ва ситамлари, бегуноҳ одамларнинг мустабид сиёсат тегирмонида, тарих ғилдираги остида ноҳақ эзилиб-янчилиб кетгани ўз ифодасини топиши даркор. Акс ҳолда, қатағон гирдобига тортилган минглаб оддий деҳқонлар, косиб ва ҳунармандлар, боғбон ва ишчилар, ўқитувчию қурувчиларнинг фожеали қисматини ким эслайди, ким уларни ёдга олади?

Қатағон, жабр-зулм ҳақида гап кетганда оёғида чориқ, эгнида яктак, бошидаги дўпписини қийиқча билан боғлаб, кетмонни елкасига ташлаб олган, умрида меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, оддий ва беозор, заҳматкаш ўзбекнинг сиймоси беихтиёр менинг кўз олдимга келади.

Биз қатағон қурбонлари ҳақида гапирганда, уларни ёдга олганда фақат «Шаҳидлар хотираси» мажмуи қад кўтарган Бўзсув соҳилларини эмас, балки Фарғона водийсини, Самарқанд ва Бухорони, Қашқадарё ва Сурхон заминини, Хоразм ва Қорақалпоғистонни, мухтасар қилиб айтганда, бутун Ўзбекистонни аниқ-равшан ўзимизча тасаввур қилишимиз, ҳар бир шаҳар ва қишлоқдан қанчадан-қанча одамлар, аждодларимиз қатағон этилганини унутмаган ҳолда уларни хотирлашимиз даркор, деб уқтирди Президент.

Бу гаплардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бу борадаги маърифий-мафкуравий ишларда бошидан жуда кўп фожеалар ўтган халқимиз, унинг сабр-бардоши, иймон-иродаси, елкамизга офтоб теккан бугунги кунлар, истиқлол ва озодликнинг қадр-қиммати ҳақида атрофлича фикр юритишимиз, шу масалаларга алоҳида урғу беришимиз лозим.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида Фармонда белгиланган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини бунёд этишда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиш керак. Умуман, бу масалага фақат сиёсат нуқтаи назаридан эмас, балки одамийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, ноҳақ жабр кўрган, қатл этилгаи кишилар, уларнинг ёди, умуман, инсон хотираси, ўтганлар олдидаги тирикларнинг бурчи, яъни зиммамиздаги қарздорлик туйғусидан келиб чиқиб иш тутиш, менимча, мақсадга мувофиқдир.

Барчамиз ҳам жафокаш халқимиз тақдири, ноҳақ қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида доимо бош эгиб, ҳурмат бажо келтиришимиз лозим, деди Президент.

Маълумки, мазкур Фармонга асосан «Шаҳидлар хотираси» мажмуини янада ободонлаштириш кўзда тутилган. Бу ишни амалга оширишда ёдгорлик мажмуи муқаддас зиёратгоҳ эканини унутмаслик зарур. Бу ерда ҳамиша маъюс бир сукунат ҳукмрон бўлиши, зиёратга келган одам ўтганларни эса олиб, умрнинг, бугунги дориламон кунларнинг қадрини англаб етиши, зиёратгоҳ шунга мос маърифий-тарбиявий масканга айланиши, айниқса муҳимдир.

Ҳозирги пайтда биз тарихимиз, аждодлар хотираси билан боғлиқ кўплаб меъморий иншоотлар, ёдгорлик мажмуалари бунёд этяпмиз, дея давом этди Президент. Аммо уларнинг ижтимоий вазифасини, бу жойларда олиб бориладиган тарбиявий тадбирларни, тарғибот-ташвиқот ишларини ҳали-бери ўзимизга тўла тасаввур қилиб, уларнинг маънавий-маърифий йўналишини аниқ ишлаб чиққанимизча йўқ. Ҳолбуки, бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб масалалардан бири - мана шундан иборат. Бу ишда айниқса ижтимоий соҳа олим ва мутахассислари, маданият аҳли, ижодкор зиёлиларимиз ибрат ва фаоллик кўрсатишлари даркор.

Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихий адолатни тикламасдан туриб, адолатли жамият қуриш мумкин эмас. Шу маънода Юртбошимиз олимлар, адабиёт ва санъат аҳли олдига қўяётган хайрли вазифа ҳар биримиздан масалага катта масъулият билан кенг ва атрофлича қарашни тақозо этади.

Истибдод даврида қатағон қурбони бўлган улуғ сиймоларни ёд этиш билан бирга худди шундай ноҳақ зулмга гирифтор этилган жафокаш оддий одамларни бугун биз, истиқлол неъматидан баҳраманд бўлаётган миннатдор авлод ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олишимиз, руҳларини шод этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Чунки халқ деганда унинг улуғ сиймолари билан бирга миллионлаб оддий вакиллари - ҳунарманду деҳқонлари, сувчию чўпонлари - барча-барчаси яхлит ҳолда намоён бўлади.

Ўз озодлиги йўлида беҳисоб курбонлар берган, машаққатли курашларда сабот ва матонат кўрсатган халқимиз хотираси олдида, Юртбошимиз таъкидлаганидек, доимо бош эгамиз.

(ЎзА).

МАҲАЛЛАДА ТАРҒИБОТ

Самарқанд Давлат дорилфунунида «Конституция — бахтимиз пойдевори» деган ном билан республика минтақавий кўргазмаси ўтказилди. Кўргазмадан асосий мақсад фуқаролар, ўқувчи-ёшларни ҳуқуқий билимини ошириш, мамлакатимиз конституциясининг **БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ** мазмун-моҳиятини ўрганиш, энг яхши тасвирий воситалар орқали уни ёритиш, тарғибот-ташвиқот қилишдан иборат.

Кўргазмага ташриф буюрган томошабинлар ҳамда ҳакамлар ҳайъати Самарқанд, Бухоро, Навоий, Жиззах вилоятлари олий ўқув юртларининг танловга олиб келган тасвирий кўргазмаларини кўздан кечирдилар. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, Самарқанд Давлат дорилфунуни биринчи, Бухоро Давлат дорилфунуни иккинчи, Навоий кончилик институти учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳрида ўтказилган танловнинг якунловчи босқичига иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур «Тузуклар»ида, «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмларидан тафсир, ҳадис, фиқҳдан дарс берсинлар деб ҳар шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим», деган сатрлар бор. Демак, ҳуқуқий маърифат тарғиботига ўтмишда ҳам алоҳида эътибор берилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ҳамза туманидаги «Умид» маҳалласида «Соғлом — оила, соғлом жамият гарови» мавзуига бағишланган тадбир ҳам айнан шу мақсадда ўтказилди.

— Энг долзарб вазифаларимиздан бири жамият аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотишдан иборатдир, - деди Тошкент шаҳар маънавият ва маърифат маркази ҳуқуқшуноси Алижон Амиров. — Шу мақсадларга эришиш учун туманимиздаги ҳар бир маҳаллада ҳуқуқий маърифат тадбирларини ўтказиб келмоқдамиз.

А.Амировнинг айтишича, Ҳуқуқий саводхон шахс қонунлар ва ҳуқуқий билимлардан яхши хабардор бўлиши билан биргаликда уларга амал қилади, итоат этади. Ўз ҳақ-ҳуқуқи ва қонунларни поймол этилишига йўл қўймайди, зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат идораларига мурожаат қилиб, рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олади, - деди сўзининг якунида А.Амиров.

Шунингдек, тадбирда ота-оналар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ва бугунги кунда кўпайиб бораётган биллярдхона ва тунги клубларга бораётган усмирлар ёши ва вақтини чегаралаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаб ўтдилар.

«Туркистон-пресс»

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: I-гуруҳ ногиронларига қонунда белгиланган имтиёзлар нималардан иборат?

Гулбаҳор БОБОЖОНОВА, Нукус шаҳри. (умумий касаллик билан)

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ биринчи гуруҳ ногиронларига қуйидаги имтиёзлар берилиши назарда тутилган:

— касалхоналарда даволаниш вақтида даволаниш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиладилар;

— икки йилда бир марта бепул сиҳатгоҳга йўлланма олиш ҳуқуқига эга;

— тиббий хулосага асосан, протез-отопедия мосламалари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачаларини бепул олиш ҳуқуқига эга;

— телефон учун абонент ҳақи тўлашда 50 фоиз енгилликка эга;

— ишлаётган ногиронлар даромад солиғи тўлашдан озод этилади; (энг кам миқдоридаги иш ҳақининг 4 бараваридан)

— мол-мулк солиғидан озод этилади;

— ер солиғидан озод этилади.

САВОЛ: Ёшим 51 да. 1963 йилдан 1989 йилгача колхозда ишлаганман, 1968,1970,1973,1977 ва 1982 йилларда фарзандларим туғилганлиги сабабли ишлай олмадим. 7 нафар фарзандим бор. Менга кўп болали она сифатида имтиёзли пенсия тайинланадими?

М.ТОҒАЕВА, Нарпай тумани, «Иттифоқ» жамоа хўжалиги.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси «з» бандига асосан, беш ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларга умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда иш стажи камида 20 йил бўлса ва болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганда, иш стажи камида 15 йил бўлган тақдирда 50 ёшдан имтиёзли пенсия тайинланади. Лекин Сизнинг умумий меҳнат стажингиз 15 йилни ташкил этмаганлиги сабабли, 55 ёшга тўлганингиздан сўнг тўлиқсиз иш стажи билан ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Касаба уюшма тадбирлари

«САЛОМАТЛИК» СПАРТАКИАДАСИ

Наманган шаҳридаги «Спартак» ўйингоҳида «Саломатлик» спартакиадаси вилоят босқичи мусобақалари бўлиб ўтди.

Иштирокчилар ҳақли равишда катта спорт байрами деб аталаётган ушбу беллашувларга катта ҳозирлик билан келганлигини намойиш этдилар. Енгил атлетика беллашувларида энг яхши натижага эришган таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси вакиллари ғолибликни қўлга киритдилар. «Отам, онам ва мен» мавзуидаги оилавий мусобақаларда эса маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси шарафини ҳимоя қилган Кондаковлар оиласи фахрли биринчи ўринга кўтарилди.

Дартс тури мусобақаларида эса енгил ва маҳаллий саноат ходимлари ғалаба қозонишди. Стол тенниси бўйича бўлган мусобақаларда таълим ва фан ходимлари вакилларига тенг келадиган рақиб топилмади.

Шунингдек, тош кўтаришда енгил ва маҳаллий саноат, баскетболда эркаклар ўртасида агросаноат мажмуи, аёллар ўртасида таълим ва фан ходимлари, мини футболда давлат муассасалари ва жамоа хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмиталари жамоалари ғолиб чиқишди.

Умумжамоа ҳисобида энг яхши натижа кўрсатган агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси спартакиада ғолиби бўлди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

МЕЗБОНЛАР БИРИНЧИ

Икки кун давомида Ургут шаҳридаги спорт майдонлари ишқибозлар билан гавжум бўлди. Бу ерда мустақилликнинг 10 йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йилига бағишлаб вилоят «Саломатлик» спартакиадаси мусобақалари ўтказилди.

Етти спорт тури бўйича ўтган спартакиада баҳсларида энг кучли 10 та туман жамоаси иштирок этди. Айниқса, мини футбол учрашувлари ғоят қизғин тус олди. Финалда эса ўз гуруҳларида ғолибликни қўлга киритган Ургут ва Булунғур туманлари жамоалари учрашди. Омад мезбонларга кулиб боқди. Самарқанд тумани вакиллари иштихонлик футболчилар дарвозасига иккита жавобсиз тўп йўллаб, кучли учликдан ўрин олишди.

Стритбол беллашувларида ҳам ургутликларнинг қўли баланд келди. Иштихон ҳамда Жомбой тумани вакилларига кейинги ўринлар насиб этди.

Шунингдек, стол тенниси бўйича Нарпай, дартс бўйича Булунғур туманлари жамоалари ҳамда тош кўтариш, енгил атлетика баҳслари ва оилавий жамоалар мусобақаларида ургутлик спортчилар шоҳсупадан жой олишди.

Ҳ. АЛИЕВ.

МАЙДОНДА – ЎСМИРЛАР

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, бунинг учун спорт оммавийлигига эришиш борасида металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси томонидан қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча «Тошқишлоқмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти спорт мажмуида тизимдаги бизнес мактаблари ва коллежларининг 8 та ўсмирлар жамоаси ўртасида волейбол мусобақалари бўлиб ўтди.

Қизғин беллашувлардан сўнг Тошкент радиотехника, электротехника ва автоматика коллежи биринчи, 18-касб-ҳунар мактаби иккинчи ва 20-касб-ҳунар мактаби учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолибларга шаҳар тармоқ қўмитасининг фахрий ёрлиғи, диплом ва совға-саломлар топширилди.

У. ПЎЛАТОВ.

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ

«Энг яхши мактаб кутубхонаси» республика кўрик-танлови якунланди. Халқ таълими вазирлиги ва республика илмий-педагогика кутубхонаси томонидан ташкил этилган бу беллашувда энг яхши мактаб кутубхоналари иштирок этдилар.

Мамлакатимизда биринчи бор ташкил этилган ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган мазкур тадбир мактаб кутубхоналари китоб жамғармасини янада бойитиш, кутубхона ва кутубхоначилик хизматини шу кун талаблари даражасида ташкил этиш, ўқувчилар китобхонлигини таъминлашда муҳим омил бўлди. Шунингдек, у энг яхши мактаб кутубхоналарини аниқлаш имконини берди.

Кўрик-танловда Нукус шаҳридаги 22-мактаб ҳамда Тошкентдаги 259-мактаб кутубхоналари биринчи ўринни қўлга киритди. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари мактаб кутубхоналарига эса эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон банклари Ассоциацияси бир қатор тижорат банкларининг истаккҳоҳишларини инобатга олиб, футбол Федерацияси билан биргаликда «Соғлом банкир — банк капиталидир» шиори остида II банклараро футбол турнирини ўтказди. Унда Миллий банк ва 16 та тижорат банклари, Марказий банк, Молия вазирлиги ва банк-молия академияларининг терма жамоалари иштирок этди.

ЖОЗИБАСИ ЎЗГАЧА

Миллионлар ўйинини ўтказишдан мақсад, нафақат иқтисодиётда, балки спортда ҳам ўзларининг муносиб ўринлари борлиги, банклар орасида норасмий ўзаро ҳамжиҳатликни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва банк ходимларининг соғлигини мустаҳкамлаш эди.

Мусобақалар ўн кун давом этди. Саралаш баҳсларидан сўнг 8 та банк футбол жамоаси ярим финалга йўлланма олди. Марказий-Осиё банки Молия вазирлиги, «Алоқа» банки эса «Асакабанк» жамоаларига имкониятни қўлдан бой бердилар. «Савдогарбанк» Миллий банкни, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Марказий банк футбол жамоаларини мағлуб этиб, ўзаро беллашадиган бўлдилар.

Финалда эса барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказган «Савдогарбанк» жамоасига омад кулиб боқди. Молия вазирлиги ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси жамоаларига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Ғолиблар муносиб тақдирландилар. Бундан ташқари, энг яхши ўйин кўрсатган дарвозабон — Шуҳрат Мирзараҳимов (Миллий банк), ҳимоячи — Азамат Зокиров (Марказий банк), ярим ҳимоячи — Дулқун Ибрагимов (Молия вазирлиги), ҳужумчи — Баҳодир Қодиров (Марказий банк)ларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

А.ТУГАЛОВ.

Футбол

Ҳа, муқаддам таъкидлаб ўтганимиздек, нафақат турнинг, умуман биринчи давранинг марказий учрашуви томонларнинг ғалабага иштиёқини тўла намоён этган бўлса-да, оқибат натижа дурангда тўхтади. Одатда биз шарховчилар бундай ҳолларда «Кучлар тенг келди» деган иборани ишлатамиз. Аслида ҳам шундай: буни «Насаф» ва «Нефтчи» бугунги кунда турнир жадвалида ёнма-ён бораётганлари, учинчи ўриндаги жамоа билан оралиқ анча олис эканлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

«НАСАФ» - «НЕФТЧИ» - 1:1

Бу дуранг карвонбошиликка интилаётган «Пахтакор»га кенг имкониятлар очиб берди

Лекин адолат юзасидан айтишга мажбурмиз: юзма-юз баҳс маълум маънода кимнинг кимлиги ва нималарга қодир эканлигининг намойишига айланди. Муайян жиҳатларга кўра Саркисян шогирдларининг қўли бирмунча баландлиги кўзга ташланди. Футболда «анчайин вазмин, салмоқли» деган таъбир бор. Муболаға бўлмаса, куни кечаги матчда «Нефтчи» шундай таассурот қолдирди. Умидли ҳужумчи У.Исоқов майдон эгалари дарвозасини ишғол этганда гўё бу фикр ўз тасдиғини топгандек эди, яхшики қаршиликларга омад кулиб боқди: Б.Аннаматов ҳисобни тенглаштирди. Агар бу голлар учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда юз берганлигини назарда тутсак, матч нақадар ҳиссиётларга бой тарзда кечганлигини бемалол тасаввур қилиш мумкин.

Юқорида зикр этганимиздек, бу дурангдан «Пахтакор» жамоаси унумли фойдаланди. Олий табақа дебютанти бўлса-да, дастлабки уринишдаёқ медаллардан бирига кўз тиккан «Академия» устидан 2:1 ҳисобида зафар қучиб, ўз жамғармасига муҳим уч очкони қўшиб қўйди. Агар команда бошқаларга қараганда бир неча ўйин кам ўтказганлигини ёдга оладиган бўлсак, «Пахтакор»нинг карвонбошиликка интилиши асоссиз эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Лекин булар хомчўт холос. Мақсадга эришиш учун қолдирилган барча учрашувларда ғалаба қозониш зарур бўлади. Бу эса осон иш эмас.

Спортда, айниқса футболда башорат қилиб барака топиш қийин. Тўп думалоқ, майдон текис, деб бежиз огоҳлантирмайдилар. Кези келганда, бир фикрни айтмай иложимиз йўқ: «Трактор» ва «Навбаҳор»нинг ҳар бир ютуғини ишқибозлар алоҳида эҳтиром билан кутиб олишади. Сабаби эса оддий. Неча йилдирки, «Трактор» четдан деярли ўйинчи жалб қилмай, ўз аравасини ўзи тортиб келади; бу билан, биринчидан, клубда тарбия топаётган ёш иқтидорларнинг тезроқ катта майдонга тушишига йўл очиб берилса, иккинчи томондан, астойдил ҳаракат қилиб, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилса, ортиқча оворагарчилик ва сарф-харажатларсиз ҳам муайян натижаларни қўлга киритиш мумкинлиги айнан шу ерда амалда исботини топаётир. Шак-шубҳасиз бунда иқтидорли мураббий Равшан Ҳайдаровнинг муносиб ҳиссаси бор.

Шундай мушоҳадани бугунги кунда «Навбаҳор»га нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Турли сабабларга кўра икки тренери ва бир йўла ўн бир футболчиси билан хайрлашишга мажбур бўлган командасининг ўйин савияси кун сайин яхшиланиб бораётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Айниқса, бу «Самарқанд-Динамо» жамоаси билан кечган учрашувда бор бўй-басти билан юз кўрсатди. Тиришқоқлик ва футболчилар техникаси ўз йўлига, муҳими, жамоада ўз кучига ишонч пайдо бўлганлиги кишини қувонтиради.

Умуман, футболимизда қандайдир сифат ўзгариши юз берганлиги кўзга ташланмоқда. Бунда, ҳар ҳолда, яқинда биз гувоҳи бўлганимиз жаҳон чемпионати Осиё қитъаси еттинчи саралаш гуруҳида Ўзбекистон терма жамоаси эришган илк муваффақиятнинг ижобий таъсири сезилиб турибди. Кошки, иккинчи босқичда ҳам термамиз чиройли ва сермаҳсул ўйин намойиш этиб, жаҳон чемпионатига ажратилган иккита йўлланманинг бирига эга бўлса! Ҳар ҳолда бугун футбол мухлислари ана шу илиқликни юрақдан ҳис қилиб яшамоқдалар. Ўйингоҳларимизнинг тобора ишқибозлар билан тўлиб бораётгани ҳам аслида шундан.

З.РИХСИЕВ.

12-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	11	9	2	0	32-7	29
2. «Насаф»	12	9	1	2	23-10	28
3. «Дўстлик»	11	7	1	3	25-14	22
4. «Пахтакор»	8	7	0	1	23-9	21
5. «Навбаҳор»	11	7	0	4	19-13	21
6. «Академия»	12	6	2	4	26-16	20
7. «Трактор»	12	6	1	5	21-18	19
8. «Бухоро»	11	5	1	5	18-18	16
9. «Самарқанд-Д»	11	5	1	5	20-21	16
10. «Қизилқум»	11	5	1	5	10-11	16
11. «Зарафшон»	11	3	3	5	16-15	12
12. «Кимёгар»	10	3	1	6	9-16	10
13. «Сўғдиёна»	11	3	1	7	11-18	10
14. «Андижон»	11	3	1	7	16-25	10
15. «Металлург»	11	1	6	4	8-15	9
16. «Сурхон»	12	3	0	9	13-31	9
17. «Турон»	11	3	0	8	6-25	9
18. «Семурғ»	11	2	2	7	12-26	8

Марғилон — азалдан ҳунармандлар юрти. Бу заминда туғилиб, камолга етган ўғлонлар борки ҳунармандликни ҳаётининг мезони, умрининг безаги деб билишади.

Уста тандирчи Мўмин Қозоқов ҳам ҳунарнинг кетидан обрў, бахт топганлардан. У ўз ишини пишиқ, пухта бажаради, лойни обдон пишитиб, сўнгра тандирни сайқаллашга киришади. Шунинг учун ҳам у ясаган тандирларда ёпилган нонлар ширмой бўрсилдоқ ва тотли бўлади.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

Маънавият

Тошкент архитектура-қурилиш институти кутубхонаси адабиётларга бой. Улар орасида чет эллардан олиб келинган ҳамда хорижий олий ўқув юртлари совға қилган китоблар анчагина.

ИНСТИТУТГА СОВҒА

Зиё масканида немис ўқув қироатхонасининг очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Бу хайрли ишни амалга оширишда Германиядаги Гёте тиллар институти яқиндан ёрдам берди.

Ҳозир қироатхонада немис тилида чиқарилган турли номдаги 5 минг нусхага яқин китоб бор.

Яқин келгусида Гёте институти архитектура-қурилиш олийгоҳига яна бир неча нусхадаги адабиётларни тортиқ қилиш ниятида.

Турмуш чорраҳаларида

ПУШАЙМОНЛИК — ЮРАКНИ ЎРТАР

...Неча кундирки, ўзимни қўярга жой топа олмайман. Не юмушга қўл урмай кўзлари ёшга тўлиб жовдираб турган келинчакнинг мунгли нигоҳи, маъсума бир гўдаккинанинг «дада»лаб бетоқат талпинишлари таъқиб қилади. Дунёда буюк ва суюк зот саналмиш онаизорининг «насиҳатлари»дан безган келинчак эса пушаймон ўтида қоврилиб, ўзи беркитган йўлларни очолмай биздан нажот истайди.

Кўза сингач, сувга қўл чўзган соҳибжамол ташналиги таскин билан ҳам, тавба-тазарру билан ҳам қонмайди.

Кўз юмсам тушларимга жарга қулаётган жувон киради. Кўзни очсам бехосият туш хаёлга кўчади: ўн саккизга тўлиб-тўлмаган келинчак қўлимга хат тутқазади. Ёд бўлиб кетган хатни хаёлан ўқийман:

«Эр бермоқ жон бермоқдан-да мушкул экан. Пушаймон тиғ бўлиб юрагимни тилади. Нима қилайки, гуноҳкор ўзимман. Онам дедим, жигарим дедим, хуллас, хато қилдим.

Аслида куёвни мен эмас, онам танлаганлар. Яхшигина йигит, ишнинг кўзини билади, яна узоқ қариндош-андишаси бор. Бўлажак турмуш ўртоғим ҳақида шуларнигина билардим...

Хуллас, тўйимиз бўлди. Онам айтгандек куёвим рисоладагидек йигит экан. Севиб қолдим. Уй-жойи ҳам бинойидек. Аммо эримнинг ота-онаси... Рўмол ўранг, лозим кийинг, деб жонимга тегиб кетишди.

Онам барини сезиб юрган экан, бир кун ёрилди: сени Самарқандга кўчириб олиб кетаман. Эрингни яхши ишга жойлайман. Шундай қилсак тизгини қўлингда бўлади. Шу кундан уйдан бездим. Хаёлим бўлинди.

Неча бор алдаб, Бухоронинг ҳавоси менга тўғри келмаяпти деб ўзимни касалга солиб, онамникига кетдим. Неча бор эримни ҳомиладорман деб алдадим. Шундай десам кўчишга кўнади деб ўйлагандим. Йўқ, ўзим «алдандим».

Онам ҳар гал эринг сени ташлаб кетолмайди, деб ишонтирарди. Мен эса Шерали акамсиз зерикардим. Кўнглим бўлинса-да эрим билан яшаш мароқли эди. Аммо бунга ҳам онам кўймадилар, бир ой ўтмасдан эримнинг уйидаги бор-будни супириб келдик. Нима қилайки, бу гал эрим мени кечирмади, мен эса ҳақиқатдан ҳам ҳомиладор бўлиб қолган эдим. Фарзандим Шерали акамдан эди. Бироқ эрим бунга ишонмади. У орқаворотдан барча «гап-сўз»ларни эшитган экан.

Ўғлим туғилди. Қанчалик йиғлаб-ёлвордим. Қайтиб менга қиё боқмади. Алимент тўлашга рози бўлдию, аммо уни ўғлим дея олмади. Ажралишга икки йил рози бўлмадим, аммо қонун ва ҳақиқат мендан кучли экан... Шерали акам оқила, бир қизга уйланди. Мен эса онамнинг маслаҳатлари қурбони бўлдим. Ўғлим ҳар кун «дада» дейди. Онам эса «муносиб» куёв излайди. Менинг эса бахту тахтим саробга айланди. Ўғлим улғайгач, унинг кўзига қандай қарайман, унга бор ҳақиқатни қандай тушунтираман?!..»

Гулзода эри ҳақида шунчаки гапиролмайди. Нима қилсинки, кўзларидан шошқатор тўкилаётган ёшлар унинг гуноҳларини ювишга ожиз. Онаси қизини жеркиб ташлайди.

— Уялмайсанми? Намунча ўзингни пастга урасан. Хоҳласанг сенга ўнта эр топиб беришим мумкин.

— Онажон, менга ўнта эр эмас, фақат Шерали акам керак, қўлингиздан келса, ўшанга мени чўри қилиб беринг, болам отасини кўриб ўссин...

Суҳбатга анчадан бери четда бизни кузатиб турган қизнинг отаси аралашади.

— Хафа бўлманг, синглим, шунча жойдан қизимнинг бахти деб келибсиз, унга биргалашиб ёрдам берамиз, Шерали билан гаплашишимиз керак. Ҳеч бўлмаса боласидан воз кечмасин.

— Ҳаммасига сиз сабабчисиз, қизимни кимлар олмасди, қариндошим дедингиз, иймонли дедингиз, бахтига завол бўлдингиз, - Энди опа эрига ўшқириб кетади.

Юрагимиз қабариб Шералижон билан кўришмоққа ошиқамиз.

Шералижон ҳақиқатдан ҳам иймонли йигит экан, хотинининг мактубини ўқиб, кўзида ёш айланади.

— Хатони кечирмоқ донолар иши,- суҳбатга тортамиз уни.

— Тўғрисини айтсам, хотинимни ҳозир ҳам яхши кўраман. Юрсам йўлимда, ётсам тушимда у. Лекин йигит бошимни эгди у... Бола ҳақида бирор нарса дея олмайман, гумон иймондан айирар, агар ўша бола меники бўлса берсин, ўзим боқиб оламан.

Шералижон бошқа гапиролмайди.

Беихтиёр донишмандларнинг сўзлари ёдимизга тушади: дунёда кечирилмас бир нарса бор, бу соғлом, иймонли, севикли ёрига бевафолик қилган хотин хиёнатидир.

Лекин катталар хатоси учун нега фарзандлар жабр чекиши керак? Афсуски, бу саволга биз ҳам жавоб топа олмадик.

Амина ҚОДИРОВА.

Биласизми?

ЭНГ БАЛАНД ИНШООТЛАР

Тошкент телеминорасининг яқинига бориб, тепасига қарасангиз, дўппингиз бошингиздан тушиб кетади. Унинг энг учига чиққан кишининг бўйи юз марта кичик, яъни бор-йўғи 18 миллиметр бўлиб кўринади.

***

Москва Давлат университетининг марказий биноси қоқ ўртасидаги минора найзаси учига ўрнатилган юлдуздан ергача бўлган масофа 240 метр келади.

***

Америкадаги кўк қаърига кириб кетган машҳур Эмпайр стейт билдинг ер юзидаги энг баланд (380 метр) бинодир.

***

Санкт-Петербургдаги Исаак собори (105 метр) XVII асрдаги энг баланд иморатлардан ҳисобланган.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6